
Байрам савдо ярмаркаси ташкил этилди

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев марказий деҳқон бозорида бўлиб, у ердаги нарҳ-навони ўрганди. Туман бозорларидаги савдо фаолияти мунтазам назоратга олинган бўлиб, бу бўйича ишчи гуруҳ доимий назорат ўрнатган. Туманимизда бозор ишларини ва бозор фаолияти билан боғлиқ жараёнларни, савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, бозор жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик, ва экологик хавфсизликни таъминловчи ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари қатъий мувофиқ ҳолда ташкил этилган. Бозордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари доимий назорат остида бўлмоқда. Бозорга олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг экспресс анализ ҳолатлари ҳам алоҳида назоратга олинган. Шунингдек, туман ҳокими янги йил байрами олдида ташкил этилган савдо ярмаркаси билан ҳам танишиб, мутассадиларга ярмаркага барча зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини узвий таъминлаш ва нарҳ-навони суъний оширмаслик бўйича топшириқлар берди.

2020-12-24 21:46:56